O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QORAQALPOG'ISTON
RESPUBLIKASI
BERUNIY TUMANI HOKIMINING
QARORI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ БЕРУНИЙ
ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ

Беруний тумани **№ 2309** **« 06»феврал 2018 йил**

Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2013-йил 25-апрелда 2452-сон билан рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2013-йил 2-апрелдаги 58-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2013-й., 17-сон, 229-модда) талабларидан келиб чиқиб, туманда 2018 йил қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини ҳар йиллик мажбурий техник кўрикдан ўтказиш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қуйидагилар:

а) Туман ҳудудидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспекторидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказувчи туман комиссияси таркиби 1-иловага;

б) тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва кўрсатилган муддатларда техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Техник кўрикдан ўтказувчи туман комиссиясига:

а) мулкчилик шаклидан қатъий назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш бўйича жадвални юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

б) техник кўрикдан носоз деб топилган ва техник кўрикка умуман тақдим этилмайдиган техника эгаларига муросасиз бўлиш, йиғилган материалларини белгиланган тартибда тегишли чора кўриш учун туман прокуратурасига юбориш;

в) техник талабга жавоб бермайдиган техник носоз техникани ишлатишни қатъиян ман қилиш;

г) техник кўрик давомида қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналари мавсумга тайёргарлиги, ҳар бир тракторчи-машинистнинг тегишли техникани бошқариш учун рухсат этилган тоифанинг мавжудлиги, техниканинг ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилганлиги ва бошқа техник талабларни амалга ошириш;

д) техник кўрикдан ўтган техникани далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил килиш вазифалари юклатилсин.

3. Тумандаги барча фермер хўжаликлари, уларга хизмат кўрсатувчи корхона, ташкилот, тижорат банклари раҳбарлари ва маҳалла раисларига:

а) ҳисобида мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўз муддатида ўтказиш учун тайёрлаб, белгиланган майдончаларга йиғиш;

б) техник кўрикдан ўтказилган ҳар бир техника учун ундириладиган йиғимни ўз вақтида тўлашни таъминлаш;

в) тракторчи-машинистларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда уларнинг тиббий маълумотномаларини комиссияга тақдим этиш;

г) ҳар бир маҳалла ўз ҳудудидаги шахсий техникани техник кўрикдан ўтишини ташкиллаштириш вазифалари юклатилсин.

4. Туман ҳокимнинг биринчи ўринбосари И.Маткаримовга:

тумандаги корхона, ташкилот, машина-трактор парки очиқ акциядорлик жамияти, муқобил машина-трактор парклари, фермер хўжаликлари ва фуқароларда мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган йиғимларни тўлашга амалдаги тартибларга асосан амалий ёрдам бериш топширилсин.

5. Туман ҳокимлиги юристи (М. Камалова) мазкур қарорни тумандаги "Халқ минбари " газетасида чоп этилишини таъминласин.

6. Туман ҳокимининг 2017 йил 13 февралдаги 300-сонли қарори ("Халқ минбари " газетаси, 2017 йил 6 март, 7 - сонли (6232) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари И.Маткаримов зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

ASLIGA TO'G'RI

Беруний тумани ҳокими: **Ф. У. Эрманов**

Беруний туман ҳокимлигининг
2018 йил «05» февралдаги
2309-сонли қарорига
1-илова

Беруний тумани худудидаги техника эгаларига тегишли қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, асбоб-ускуналарини 2018 йилда техник кўрикдан ўтказувчи туман комиссияси таркиби

М. Раджапбаев - Беруний туман қишлок хўжалиги техникалари давлат инспектори, комиссия раиси

Комиссия аъзолари:

У. Алимов - туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими мутахассиси

Х.Шеримбетов - Беруний тумани Фермер , деҳкон хужаликлар ва томорқа ер эгалари кенгаши мутахассиси

Ш. Джумабаев - Беруний МТП ДАЖ Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги муҳандиси

Корхона, ташкилот, ширкат хўжалиги, Беруний МТП ДАЖ, ММТПлар, фермер хўжалиги мутахассислари ва хисобчилари

Туман ҳокимининг 2018 йил
06 февраль кунги 2309
сонли қарорига 2 илова

Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш иш режаси

Т/р.	Техниканинг тури	Техника номи	Техник кўрикдан ўтказиш муддати	Техник кўрикдан ўтказиш манзили	Техник кўрикдан ўтказиш санаси
1.	Қишлоқ хўжалиги техника	Тракторлар	10 кун давомида	Қишлоқ хўжалиги техникалари жойлашган ҳудудлардаги ММТП машина трактор саройлари	12.02.2018 й. дан 22.02.2018 й. гача
		Трактор тиркамалари	8 кун давомида		13.02.2018 й. дан 20.02.2018 й. гача
		шоли ўриш комбайнлари	10 кун давомида		12.02.2018 й. дан 22.02.2018 й. гача
		маккажўхори ўриш комбайнлари	6 кун давомида		22.02.2018 й. дан 27.02.2018 й. гача
		пахта териш машиналари	2 кун давомида		26.02.2018 й. дан 28.02.2018 й. гача
		ем-хашак ўриш комбайнлари	3 кун давомида		01.03.2018 й. дан 03.03.2018 й. гача
		силос ўриш комбайнлари	2 кун давомида		12.02.2018 й. дан 14.02.2018 й. гача
		Омочлар	8 кун давомида		03.03.2018 й. дан 10.03.2018 й. гача
		Чизеллар	3 кун давомида		01.03.2018 й. дан 03.03.2018 й. гача
		культиваторлар	8 кун давомида		03.03.2018 й. дан 10.03.2018 й. гача
		Ер текислагичлар	4 кун давомида		03.03.2018 й. дан

		ёқилғи насослари	3 кун давомида		01.03.2018 й. дан 03.03.2018 й. гача
		форсункалар	8 кун давомида		13.02.2018 й. дан 20.02.2018 й. гача
		Двигателлар	8 кун давомида		13.02.2018 й. дан 18.02.2018 й. гача
		бошқарув механизмлари диагностикаси учун қурилмалар.	10 кун давомида		12 02.2018 й. дан 22.02.2018 й. гача

Изоҳ: *Хусусий техника олиб келинишига қараб 2018 йил 9 феврал санасидан 2018 йил 18 июл санасига қадар ОФЙ, МФЙ ҳудудидаги ММТП гаражларида ҳар куни ўтказилади*